

МАЪНО, БАЁН ВА БАДИЪ ИЛМИНИНГ МУОМАЛОТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ МОҲИР МУАЛЛИФЛАРИ ҲАҚИДА

Насруллаев Н. Ҳ.

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

Кириш. Балоғат бу – маоний, баён ва бадиъ илмларини ўз ичига қамраб олади. Мусулмон шарқида “балоғат” муҳим мавқега эга бўлгани эътиборидан қадим замонлардан тил ва адаб соҳа вакилларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Олимларнинг етуклик даражаси ҳам айнан балоғатни қай даражада ўзлаштиргани билан белгиланган. Шу эътибордан олимлар бу илмни пухта эгаллашга жиддий эътибор қаратганлар.

Асосий қисм. “Исломгача араб халқи оғзаки ижод намуналари ўлароқ (назм) шеърлардан кенг фойдаланиб келган. Ана шу классик даврданоқ илк адабий тил ва бадиий сўзнинг услубий қоидалари шакллана бошлаган эди”, деб келтиради замонасининг ягоналаридан бўлган машҳур тилшунос олим Жохиз (775-868) “Китобу-л-баён ва-т-табйин” асарида. Араблардаги нафис нутқ, – деб ёзган эди Жохиз, ноанъанавий характерга эга, у чуқур маъноли ва ҳеч қандай тайёргарликсиз, узоқ ўйланмасдан ҳамда бегоналарнинг ёрдамисиз пайдо бўлади. Масалан: нотиқ зироат парваришида, касб-хунари устида, жанг куни ёки ҳайвонларни сугориш пайтида нутқ сўзлаш ёки шеър ўқишга тайёрланиб, ўз нутқининг мавзуси бўйича фикрини жамлар экан, гўёки унинг оғзидан сўзлар, иборалар ўз-ўзидан қайнаб чиқар эди.

Араблар ёзишни билмас шунинг учун уларнинг бу санъати тайёргарлик қўриб ўрганилмай, балки улардаги туғма қобилият самараси эди. Мазкур нафис нутқ санъати ҳамма саҳровий араблар учун шундай табиий эдики, сўзланган нутқни ўрганиш ёки анъанага айлантиришда уни ёзиб олиш заруратига асло муҳтожлик сезилмаган. Шу билан бирга қадимдан шоирнинг қобилияти маҳсус таҳсил орқали ўсиб бориб, назм маҳорати устоздан шогирдга ўтиб борган, нотиқликда ҳам муайян мана шу услуб шаклланган. Ўтмишда ёзилмаган қонунларга бўйсунган бу санъат тури IX аср ўрталарига келиб тартиб этила бошланди. У маълум тизим шаклига кирди ва бу илм тури “балоғат” деб аталди.

Ислом даври бошлангач, Қуръони карим бошқа фазилатлари билан бир қаторда юксак даражадаги бадиъяти билан сўзамол, фосих арабларни лол қолдирди ва ушбу илмларни чуқурроқ тадқиқ қилишга мажбур этди. Шунинг учун бу мавзудаги дастлабки намуналар Қурони карим ояти калималари билан боғлиқ бўлди [4.24]. “Балоғат” сўзини ойдинлаштиргани унинг ўзагидан келиб чиқиш керак. Араб тилида – “балағун” ўзагидан ясаладиган иккита феъл мавжуд. Аввалгиси – “балаға” феъли бўлиб “етди, эришди; етук бўлди” маъноларида бўлса, ундан ҳосил бўладиган (булуғун) масдари – “эришиш, етуклик” маъносига эга. Иккинчиси – “балуға” феъли “сўзга уста, фасоҳатли, балоғатли, нотиқ бўлди” маъносида қўлланилади. Унинг масдари (балағатун) “сўзамоллик, нотиқлик, балоғат”, яъни гапнинг фасоҳатли сўзлардан тузилиб, маънонинг тўғри бўлишини англатади.

“Балоғат” илмига берилган таъриф куйидагича: *البلاغة: هي موافقة الكلام لمقتضى الحال مع فصاحته.*

“Балоғат” – каломнинг ҳол(ат) тақозосига мос ва фасоҳатли бўлишидир. “Балоғат” сўзидан илмий истилоҳ сифатида сўзловчининг каломни ўз ўрнида ва тегишли ҳолатда қўллай олиш ҳамда шу талабларга жавоб берувчи фасих жумлаларни сўзлай билиш маҳорати тушунилади. Демак, балоғатнинг шартларидан бири фасоҳатли сўзлай олишдир.

Балоғатнинг тизимли таркибини лафз, калом, маъно, ибора, ҳол (ҳолат, вазият), сўзловчи (мутакаллим), мурожаат қилинаётган шахс (мухотаб) кабилар ташкил қилади. Балоғат илми олимлари уни уч таркибий қисмга ажратганлар. Булар: илмул-баён яъни – мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун гапни турли воситалар билан ифодалаш қоида ва усуллари; илмул-маъоний – таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш ҳақидаги илм; илмул-бадиъ – сўз санъати илми.

Шарқ филологиясида баён илмига Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна ал-Басрий (ваф. 867) “Мажозул-Қуръон” асари билан асос солган. У Қуръони каримда учраган биринчи, яъни асл маъносидан бошқа маъноларда қўлланган сўзларни чуқур ўрганиб чиққан. Балоғат илми олимлари баён илмига шундай таъриф берадилар: Яъни “баён” сўзининг луғавий маъноси «кашф қилиш, яратиш, ёритиш, изоҳлаш» дир. Истилоҳда: исталган бир маънони бир-биридан фарқ қилувчи турли йўллар орқали ёритиб бериш, ўша маънонинг ўзига боғлиқлигини аниқлаш учун керак бўладиган усул ва қоидалар тушунилади.

Балоғатнинг баён бўлими далолат ҳақидаги баҳс билан бошланади. Унда далолатга куйидагича тавсиф берилади:

الدلالة: هي فهم أمر من أمر، فالأمر الأول هو المدلول، والثاني هو الدال كدلالة لفظ «محمد» على معناه الذي هو «الذات» واللفظ هو الدال والذات هي المدلول.

Яъни далолат – бир нарсанинг бошқа нарсани билдириши. Биринчиси мадлул, иккинчиси долл, худди «Муҳаммад» сўзи бирор кимсани, яъни «зот»ни билдиргани каби. Лафз (сўз) доллдир, зот (сўз билдирган нарса ва тушунчанинг ўзи) мадлулдир.

Баён илмида фақат унинг вазъ тури ўрганилади. Баён илмида ташбих, мажоз ва киноя алоҳида ўрин тутати. Масалан, киноя — бошқага айтиб аввалдагига ишора қилишдир. Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу кизини

хазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоху анху сўраганларида у зотга кўрсатиш мақсадида олдига юбордилар ва кизларига “Унга “хулла (либос) хоҳлайсизми?” деб айтгин”, дедилар. Бу билан Аллоҳ таолонинг:

هٰنْ لِبَاسٌ لَّكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَهُنَّ

“...Улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсиз...” (Бақара сураси, 187) оятига асосланиб “аёлликка олиш” деган маънони кўзлаган эдилар.

Умар розияллоху анху: “Ҳа хоҳладим”, дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ғанимат молларни тақсимлаш чоғида Аббос ибн Мирдосга тўртта урғочи туя беришни буюрдилар. У шеър айтиш орқали шикоят қила бошлади. Шунда Расулаллоҳ: “Тилини мендан кесинглар” (яъни сўраганини беринглар овозини юмсин) деган маънодаги сўзларни айтдилар. Абу Бакр уни олиб кетиб юзта туя бердилар. Шундан сўнг у одамларнинг энг рози-мамнунларидан бўлиб ортига қайтди.

Ривоят қилинадики, бир аёл Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эрим сизни чақиряпти, Эй Аллоҳнинг Расули деди”. Шунда У Зот: “У ким ҳалиги кўзида оқлиғи бор одамми?”, дедилар. Аёл: “Аллоҳга қасамки унинг кўзида оқлиғи йўқ”, деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Унинг кўзида оқлиғи бор”, дедилар. У яна: “Йўқ”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ҳар бир инсоннинг кўзида оқлиғи бўлади”, дедилар. Бу билан кўз қорачиғини ўраб турувчи оқлиғни айтмоқчи бўлдилар [7.152].

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ўзини бир уловга миндиришларини сўради. “Сени бир урғочи туянинг боласига миндираман”, дедилар. У Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни кўтара олмайдиган бир бўталокқа миндирмоқчиликларини гумон қилди ва: “Уни нима қиламан”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Туяларни (урғочи) туялар туғмайдими?” бу билан сени кўтаришга кучи етадиган катта боласини айтмоқдаман”, дедилар [8.221].

Бунга ўхшаш ҳазил-мутайибалар, кинояли гап-сўзлар доимий эмас, ора-сирада бўлиб турса мубоҳдир. Бироқ, уларни доимий одатга айлантириш қўнғилхушлик, бошқалар устидан мазах қилиш бўлади. Демак, шама ва киноялардан фойдаланишда енгиллик ва ёлғондан тийилишга эътибор қаратилиши керак. Бу айни салафнинг тутган йўли ҳисобланади. Имом Ғаззолий: “Салафларнинг мақсади инсон ёлғон гапиришга мажбур бўлиб қолганида таъриз (алдашдан сақланиш) ва кинояли гапларни айтиши дуруст”, деганлар [9.184]. Бироқ, эҳтиёж ва зарурат бўлмаган ҳолларда жоиз эмас.

Демак, маъоний – балоғат илмининг бўлимларидан бири, бу ном “ъанайа” ўзагидан ясалган маъна (маъно, мазмун; тушунча, ғоя, моҳият) сўзининг кўплик шакли. Балоғатнинг таркибига кирувчи маъоний илми ҳақида айрим атоқли ёзувчилар ва Ҳорун ар-Рашиднинг вазириларидан бири Жаъфар ибн Яхё, шоир, адиб ва ҳаким Саҳл ибн Ҳорун каби ёзувчи ва нотиклар мухтасар маълумот бериб ўтганлар [4.45]. Бу ҳақда биринчи бор мавжуд маълумотларни бир китоб ҳолига келтирган олим юқорида номи зикр қилинган Жоҳиздир. Бу асарлар – «Китобул-л-баён ват-табйин», «Иъжазул-Қуръон» каби. Кейинчалик Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) Қурони қаримни тафсир этиши бу илмни янада такомилга етказди. Жоҳизга етук олимлардан Абу Аббос ал-Мубаррад (826-898), хат устаси Қудаман ибн Жаъфар (260-327 х.) эргашдилар.

Араб балоғатчилари маъоний таркибига каломнинг хабар ва иншо турлари, қаср, фасл ва васл, ижоз, итноб, мусовот масалаларини киритдилар.

Шу эътибордан маъоний илмига шундай таъриф берилади:

هو أصول و قواعد، يعرف بها، كيف يطابق الكلام مقتضى الحال.

Яъни **маъоний илми** каломни вазият талаб қилган ҳолатга мослаштириш усул ва қоидаларини ўрганади. Бу илмда *حال* – сўзловчи ўз каломиди бирор махсус нарсани назарда тутиши талаб қилинадиган (асл маънога қўшимча тарзда) ҳолат; *مقتضى الحال* – сўзловчи каломиди келтириши керак бўлган махсус нарса; *مطابقة الكلام لمقتضى الحال* – ўша махсус нарсанинг қамраб олиниши. Булардан:

- **Ҳал (الحال)** – сўзловчи ўз каломиди бирор махсус нарсани назарда тутиши талаб қилинадиган (асл маънога қўшимча тарзда) ҳолат;

- **Муқтазол ҳал (муқтада ал-ҳал)** – сўзловчи каломиди келтириши керак бўлган махсус нарса;

- **Мутобақатул калом ли муқтазол ҳал** – ўша махсус нарсанинг қамраб олиниши [10.12].

Маъоний илмига қўра, сўзловчи калом тузишда тингловчининг айтиладиган нарсадан хабардор ёки хабарсиз эканидан ташқари унинг бошқа, яъни зукколик ёки тез фаҳмлай олмаслик каби ҳислатларини ҳам эътиборга олиши лозим. Шунда у маълумотни етказиш учун маънони таъбир қилишда тингловчининг ҳолатидан келиб чиқиб меъёридаги ифода турларидан бирини танлайди. Демак, маъоний илми калом билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

Тилнинг етуқлигини мумкин қадар намоён қилиш воситаларидан бўлган бадий санъатлар балоғат илмининг **бадиъ** бўлимида ўрганилади.

Бадиъ – сўзи «бадаъ» (ўйлаб топмоқ; янгилик киритмоқ) феълидан олинган бўлиб, «ажойиб; чечан; яратувчи» маъноларига эга. Истилоҳда: каломнинг лафз ва маъно орқали назарда тутилган далолати (белги, ишора) аниқлаштирилиб, ҳолат тақозосига мос келгач, унинг ҳусни ва тиловатини афзаллаштириш усулларини ўргатадиган илмдир [4.112]. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шоирлари Ҳассон ибн Собит Ансорий розияллоху анху бир юз йигирма йил умр кўрган. Унинг олтмиши жоҳилиятда, яна шунчаси исломда ўтган. Ҳассон Ҳазраж ва Авс орасидаги урушлар гувоҳи бўлган. Бироқ, ҳеч қурол кўтариб жангга қирмаган. Унинг жанги ўз шеърлари билан душманга қарши зарба бериш иборат бўлган.

Хассон ибн Собит розияллоху анху туғма шоир бўлиб, ундан бошқа нарсага меҳр қўймаган. Бирор касб қилишни ҳаёлига ҳам келтирмай, Аллоҳ берган барча қобилиятларини айнан шоирликка сарфлаган. Шунинг учун Хассон ибн Собитнинг зикри бор ерда шеър айтилган. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир саҳоба қобилиятидан унумли фойдаланишлари қаторида Хассон ҳам бор эди. Баро ибн Озиб розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг Хассон ибн Собитга: уларни ҳажв қил ёки улар ила ҳажвлаш, Жаброил сен билан», деганларини эшитдим». (Имом Муслимдан ривоят қилинади) (Имом Муслим ривояти) [11.2486].

Арабларда душманни ҳажв қилиш кенг тарқалган одат эди. Улар ҳажвий шеърлар айтиш йўли билан душманни мағлуб ва шарманда қиларди. Расулulloх ва Иломга душманликнинг барча услубларини ишлатган мушриклар ҳажв йўлини тутганларида, уларга муносиб жавоб қайтариш зарурати туғилди. Бунинг уддасидан чиқадиган мусулмон Хассон ибн Собит эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унга: «Уларни ҳажв қил, ҳажвланишида, Жаброил сен билан», дедилар. Бу бир жумланинг ўзида Расулulloх Хассонга ҳам амр, ҳам дуо қилиб, маънавий жангнинг қурол-аслаҳа билан олиб бориладиган жангдан анча таъсирли эканини таъкидладилар. Чунки, қурол яраси битади, тилнинг яраси битмайди.

Саҳобалардан **Абдуллох ибн Равоҳа** ҳам шоир эди, лекин у ҳажвни Хассондек уддалай олмади. Расулulloх навбатни Каъб ибн Моликка, кейин яна Хассонга топширдилар. Хассон ибн Собит ҳажвда асосли ҳужжатлар қўллаган. Шу боис Расулulloх унга Аллох таолодан нусрат сўраб, «Эй Аллоҳим, уни Рухул Қудус ила қўллагин», деб дуо қилганлар. Абу Убайда айтганидек: «Хассон бошқа шоирлардан уч нарса билан афзал: У жоҳилиятда ансорлар шоири эди. Нубувватда эса, Расулulloхнинг шоири бўлди. Иломда барча Яманинг шоири эди» [13.118]. Асмаъий, Амр ибн Алаа, Абул Фараж Исфаҳоний каби олимлар ҳам унинг машҳурлигини тан олганлар. **Бадиъ илмининг шаклланиши ва Абдулқохир Журжоний** Бадиъ илми борасида биринчи бор махсус асар ёзган киши – аббосийлар халифаси олим **Абдуллох ибн ал-Муътаз** (861-908)дир. Унгача Башшар ибн Бурд, Муслим ибн ал-Валид, Абу Таммам каби шоирлар бадиъ турларини қўллаган бўлсалар-да, Муътаз биринчи бўлиб унинг 17 та турини тўплади ва «Китобул-бадиъ» асарини яратди [14.15].

Баён, маъоний ва бадиъ илмлари IX аср охири X асрда боб ва фаслларга ажратилди. Бу ишни биринчи бўлиб **Абдулқохир Журжоний** амалга оширди. У баён ва маъоний илмларига оид «Асрорул-балоға» ва «Далоилул-иъжоз» асарларини яратди. Журжоний каломнинг инсон ҳаётидаги юксак мавқеини таъкидлаб, у бўлмаса инсон ташқи оламни идрок қила олмаслигини, қалб "ёпиқлигича қолишини" ва ақл яхшини ёмондан ажрата олмаслигини илмий асослади. Унинг «Асрорул-балоға» асари тилшунослик тарихида илк бора тилнинг тизим эканлиги масаласини кўтарди [15.82]. **Юсуф Саккокий** ва «**Мифтоҳул-улум**» XII асрга келиб **Юсуф Саккокий** (ваф. 1229) «Мифтоҳул-улум» асарида балоғат илмини изчил назария даражасига кўтарди. Асар балоғатдан ташқари сарф, наҳв, аруз ва қофия масалаларини ҳам қамраб олган. Саккокий бадиий санъатларни икки қисмга: **маъновий** (таврия, тибок, муқобала, хуснут-таълил ва х.к.) ва **лафзий** (тажнис, иштиқоқ, сажъ, тарсиъ ва х.к.) санъатларга ажратди [10.315]. Саккокийдан сўнг балоғат илмида янги мустақил асарлар деярли яратилмади, балки мавжуд асарларга шарҳлар ёзилди. Жумладан, **Саъдуддин Тафтазоний**нинг «Аш-Шарҳ ал-Мутоввал» ва «Мухтасарул Маоний» асарлари, шунингдек, **Саййид Шариф Журжоний**нинг хошиялари бу соҳадаги муҳим манбалар ҳисобланади [17.120].

Хулоса. Балоғат илми — инсон каломининг эстетик ва этик моҳиятини очиб берувчи муҳим соҳадир. Журжоний ва Саккокий каби алломаларнинг изланишлари натижасида бу илм нафақат тилшунослик, балки ижтимоий муомалот маданиятини шакллантирувчи асосий воситага айланди. Ушбу меросни ўрганиш бугунги кун муомалот одоби ва нутқ маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсирлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2012. – 624 б.
2. Абдуллох ибн ал-Муътаз. Китоб ал-бадиъ. – Қоҳира: Дар ал-маориф, 1945. – 156 б.
3. Абдулқохир ал-Журжоний. Асрор ал-балоға. – Байрут: Дар ал-маъриф, 2004. – 460 б.
4. Абдулқохир ал-Журжоний. Далоилул-иъжоз. – Қоҳира: Мактабатул Хонжий, 1992. – 640 б.
5. Абу Ёқуб Юсуф ас-Саккокий. Мифтоҳул-улум. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2000. – 520 б.
6. Абул Фараж ал-Исфаҳоний. Китоб ал-ағоний. 4-жилд. – Қоҳира: Дар ал-кутуб ал-мисрийя, 1935.
7. Асируддин Муфаззал ибн Умар ал-Абҳарий. Мантик ҳақида сабоқлар (Исоғужий шарҳи) / Таржимон: Н. Набижон ўғли. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – 288 б.
8. Аҳмад ал-Ҳошимий. Жаҳохирул-балоға фил маъоний вал баён вал бадиъ. – Қоҳира: Мактабатул адаб, 1999. – 412 б.
9. Баҳодиров Р. Абу Абдуллох ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 29-31.
10. Буюк алломаларимиз меросида маърифий ислом (тўплам) / Тузувчилар: Н. Насруллаев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – 388 б.
11. Имом Мухаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. – Қоҳира: Дар ал-Тарбия, 1998. – 184 б.
12. Имом Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим (Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ). – Байрут: Дар Ихё ат-турос ал-арабий, 1992. – №2486-ҳадис.
13. Насруллаев Н. Убайдуллох ибн Масъуд Садр аш-шариъа ал-Бухорий ёзма меросининг ислом фикҳида тутган ўрни (монография). – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2024. – 322 б.
14. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: Zilol buloq, 2019. – 240 б.
15. Саъдуддин ат-Тафтазоний. Аш-Шарҳ ал-мутоввал ала талхис ал-мифтоҳ. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2001.
16. Саъдуддин ат-Тафтазоний. Мухтасар ал-маоний. – Истанбул: Саодат нашриёти, 2012. – 320 б.
17. Sezayî Bektemir. Sadruşşeria'nın Belagat İlmindeki Yeri (Doktora Tezi). – Istanbul: Marmara Üniversitesi, 2008. – 210 s.

Аннотация. Маколада шарқ балоғат илмининг уч асосий йўналиши — маъоний, баён ва бадиъ илмларининг назарий асослари ва уларнинг ижтимоий муомалотдаги ўрни таҳлил қилинган. Муаллиф Абдулқоҳир Журжоний ва Юсуф Саккокий каби алломаларнинг балоғат илми ривожига қўшган хиссасини, шунингдек, саҳоба шоир Ҳассон ибн Собитнинг сўз санъати орқали ислом ҳимоясидаги фаолиятини ёритиб берган.

Калит сўзлар: балоғат, маъоний, баён, бадиъ, Журжоний, Саккокий, фасоҳат, иқтибос, сўз санъати.

Резюме. В статье анализируются теоретические основы трех основных направлений восточного красноречия — наук маани, баян и бади, а также их роль в социальном общении. Автор освещает вклад таких ученых, как Абдулкахир Джурджани и Юсуф Саккаки, в развитие науки о красноречии, а также деятельность поэта-сподвижника Хассана ибн Сабита в защите ислама через искусство слова.

Ключевые слова: красноречие, маани, баян, бади, Джурджани, Саккаки, фасоҳат, цитата, искусство слова.

Abstract. The article analyzes the theoretical foundations of the three main directions of Eastern eloquence — the sciences of ma'ani, bayan, and badi, and their role in social communication. The author highlights the contribution of scholars such as Abdulkahir Jurjani and Yusuf Sakkaki to the development of the science of eloquence, as well as the activities of the companion poet Hassan ibn Thabit in the defense of Islam through the art of speech.

Keywords: eloquence, ma'ani, bayan, badi, Jurjani, Sakkaki, fasahat, quotation, art of word.
